

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАЛАБАЛАР ОРАСИДА ЎЗЛАШТИРИЛИШИ

Мирзараҳимова К.Р

Яхяева К.Р

Алфраганус университети

2-сон Республика Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми

Долзарблиги: Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятининг янада такомиллаштирилишини таъминлаш ҳамда олий таълим соҳасини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мақсад: Ҳозирги кунда талабаларга чуқур ва кенг қамровли билим бериш ҳамда фаннинг ўрганишни самарали усуллари таълим режасида белгиланган асосий ва мустақил машғулотлар ва ўқув машғулотларидан бўш вақтларини режали ташкил этиш имкониятларини кенгайтиради.

Қўлланиладиган усул:

Ушбу усул таълимнинг сифат ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши учун уни замонавий билимларга таянган ҳолда таълим технологиялар асосида жорий этиш зарурдир.

Республикамиз олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагог мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларни соҳага оид замонавий касбий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, илмий-техник инновациялардан мустақил равишда, ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини ривожлантириш муҳим вазифаларидан саналади. Бунда таълим босқичларининг ўзаро мазмунан боғлиқлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг илғор педагогик технологияларини жорий қилиш, бу борада ўқув-услубий мажмуалар сифатини таъминлаш, педагогик технологияларни жорий этишда бўлғуси профессорўқитувчиларнинг компьютер ва интернетдан фойдаланиш бўйича саводхонлигини доимий ошириб бориш; олий таълимнинг ахборот ресурс ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш, мазкур йўналишларда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш олий таълим муассасалари, хусусий, педагог кадрларининг фаолият йўналишларни таркибини белгилайди. Ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини талабалар орасида статистик таҳлиллар ўтказилганда, натижалар шуни кўрсатдики, 12та талабалардан 78% талабада янги инновацион технология янгича тасавур ва фикрлаш доирасини кенгайтиривотганлини, 15% талабаларда эса бу оддий, фақатгина қайта мавзуни такрорлашни, 8% талабаларда олдинги таълим усуллардан фойдаланиш мақуллиги

аниқланди.Замонавий таълим технологияларни қўллаш таллабаларда фанга нисбатан қизиқиш ва ўзлаштиришни қисман енгиллаштирилвотгани кузатилди. Талабаларнинг фанга нисбатан қизиқишини назорат қилиш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва такомиллаштириш, ўқув жараёнига ахбороткоммуникация технологияларини қўллаш, таълим муассасаларида электрон таълим тизимига катта эътибор қаратишдан иборат. Бу эса ҳозирги вақтда Стоматология институтида давр талабига жавоб берадиган ёш мутахассисларнинг назарий билимларини бойитиш билан бирга айни вақтда буюк инсоний фазилатларга эга бўлган, муомалага кириша оладиган, ўз ишини пухта эгаллаган моҳир мутахассислар этиб тайёрлашга катта эътибор қаратилган.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида таълим жараёнини амалга ошириш қуйидаги муаммо ва масалаларни ҳал этишга олиб келади:

✓ кенг қўламли коммуникация ва глобаллаштиришга асосланган замонавий ахборотлаштирилган жамият шароитидаги илмий педагогик, услубий, нормативтехнологик ва техник хулосаларга кўра таълимни ривожлантиришни аниқлаштириш;

✓ кенг қўламли коммуникация ва глобаллаштиришга асосланган замонавий ахборотлаштирилган жамият шароитидаги таълим моҳиятини танлаб олиш базаси, мос масалаларга кўра ўрганувчининг шахсини ривожлантириш учун тарбиялаш, ўқитиш усуллари ва ташкилий шакллари яратишни мукамаллаштириш;

✓ ахборот-коммуникация технологияларини қўллашдаги таълимнинг барча бўғинлари, жумладан ўқитишнинг усул ва воситалари, инновацион моделлари ва мавжуд педагогик технологияларни асослаш ва яратиш;

✓ ўрганувчи (талаба)нинг интеллектуал потенциалини ўстиришга йўналтирилган ўқитишнинг услубий тизимини ишлаб чиқиш керакки, булар талабага мустақил равишда билимларини жамлаш, маълумотлар ресурсини териш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш фаолиятини амалга оширишга имкон яратиш;

✓ таълимга тегишли тадқиқотлар, электрон воситаларни кўргазма прототипларини ишлаб чиқиш, жумладан дастурий инструментал восита ва тизимларни яратиш ҳам бунга киради.

Хулоса: Янги педагогик технологияларни амалиёт мобайнида қўлланилиши, ҳамда замонга мос холда янгиланиши , барча педагоглар ва талабалар ўз устида ишлаши лозим. Бу қарор ҳозирги даврнинг талаби бўлиб бўлажак кадрларни юксак педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат кўникмаларини янада бойитишга қаратилган қарор ҳисобланади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Базар Султанов, Худайбердиев Сахобиддин, International scientific and practical conference "Science, education and innovation: problems, solutions and prospects" 115-119
2. Mirvarisova, L. T., Nurmamatova, K. H., & Mirzarahimova, K. R. (2018). Medical management, optimization and improvement of the health system in Uzbekistan. Journal of Dentistry.-Tashkent, 4, 61-64.
3. Rakhmanov, T. O., Nurmamatova, K. S., Abdukadirov, K. J., Mirzarakhimova, K. R., & Mardonov, O. D. (2022). Innovative factors of raising youth morality in the republic of uzbekistan. In Interdiscipline innovation and scientific research conference (Vol. 1, No. 3, pp. 55-57).